
ҚЎҚОН ШАҲРИДАГИ ЖОМЕ МАЖМУАСИДА ЎЗБЕКИСТОН-ВЕНГРИЯ ЎРТАСИДА БИРИНЧИ ҲУДУДЛАРАРО ФОРУМ БЎЛИБ ЎТДИ

Форумда вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров қардош юрт вакилларини самимий қутлаб, энг эзгу тилакларини изҳор этди. Ўзбек ва венгер халқлари қадим алоқаларга эгалигини, икки халқнинг тарихий келиб чиқиши бир-бирига туташ илдизларга бориб тақалишини билдирди.

Бугунги кунда икки давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси, эзгу ташаббуслари доирасида мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик ва амалий ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганини қайд этиб, барча даражадаги фаол мулоқотлар давом этаётганлигига эътибор қаратди. Мазкур форум ҳам ҳудудлараро ҳамкорликни йўлга қўйилишидаги муҳим қадам бўлганлигини айтиб ўтди. Саноат, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги, логистика, қурилиш ва бошқа йўналишларда ҳамкорлик қилиш учун катта имкониятлар борлиги маълум қилинди.

Юзма-юз мулоқотлар давомида вилоятдаги қулай инвестиция ва тадбиркорлик муҳити билан яқиндан танишган ҳолда ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги йўналишлари белгилаб олинишига ишонч билдирилди.

Венгриянинг Яс-Надькун-Сольнок вилояти президенти Имре Хубай, ижрочи ҳокими Аттило Берко сўзга чиқиб, мамлакатларимиз раҳбарлари ўртасида ташкил этилаётган олий даражадаги учрашувлар кенг кўламли ҳамкорлик қамровини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга хизмат қилаётганини таъкидладилар. Сиёсий мулоқотлар самарали йўлга қўйилганлиги, эндиликда иқтисодий муносабатлар мустаҳкамланаётгани қайд этилди. Фарғона вилояти билан турли соҳаларда ҳамкорлик қилишга тайёрлигини билдиришди.

Форум доирасида Фарғона вилояти ва Яс-Надькун-Сольнок вилояти ҳамда Қўқон шаҳри ва Яс-Надькун-Сольнок вилояти ўртасида биродарлашган ҳудуд мақомини берувчи ҳамкорлик битими имзоланди.

Шундан сўнг икки вилоят раҳбарларининг тор доирадаги мулоқоти бўлиб ўтди.

Меҳмонлар Жоме мажмуасида ташкил этилган ҳунармандлар кўргазмаси билан ҳам яқиндан танишдилар.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-10-17 22:54:19